
Ўзбекистон туманилик ёшлар “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг Республика финал босқичига йўлланма олди

“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасидаги спорт мусобақаларининг вилоят босқичида Ўзбекистон тумани ёшлари фаол иштирок этиб, салмоқли натижаларга эришди.

Хусусан, олимпиаданинг енгил атлетика бўйича бўлиб ўтган баҳсларида “Дехқонобод” маҳалласининг 16-21 ёшли ўғил болалар жамоаси ҳамда “Туюл” маҳалласининг аynи ёш тоифасидаги қизлар жамоаси 1-ўринни эгаллаб, тенгқурлари орасида тенгсизлигини исботлашди.

Аynи шу спорт тури бўйича 22-26 ёш тоифасидаги деҳқонободлик йигитлар ва “Ўқчи Дашт” маҳалласи қизлари эса фахрли 3-ўринга эгалик қилдилар.

Мазкур маҳаллаларнинг спортсевар ёш атлетлари “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг яқин кунларда бўлиб ўтадиган Республика финал босқичида иштирок этадилар.



